

ХАТАМОВ Тохир Абдумуталович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди
e-mail: t.xatamov@mail.ru

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАСАВВУФГА ОИД ИЛМИЙ- МАЪРИФИЙ МЕРОСНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

ИССЛЕДОВАНИЕ НАУЧНО- ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОГО НАСЛЕДИЯ ПО СУФИЗМУ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

RESEARCH OF SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL HERITAGE ON SUFISM IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

Аннотация: Мақолада тасаввуф таълимотига оид ёндашувлар, хусусан, мустақиллик йилларида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг гуруҳларга бўлиниши, Нақшбандийлик тариқатининг ўрганилиши, Бухородаги тасаввуф илмий мактаби фаолияти, тасаввуф соҳаси бўйича ижтимоий-гуманитар фанлар ихтисослиги кесимида ҳимоя қилинган диссертациялар таснифи, юртимизда тасаввуф алломалари юбилейларининг кенг миқёсда нишонланиши ҳамда бу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичи тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: Ислом, тасаввуф, Бухоро, нақшбандийлик, тариқат, шайх, суфийлик, илмий мактаб, илмий тадқиқот, ислохотлар.

Аннотация: В статье освещены современные подходы к изучению суфийского учения, в частности, разделение научных исследований в годы независимости на группы, изучение ордена Накшбанди в годы независимости, деятельность бухарской школы суфизма, классификация диссертаций в области социально-гуманитарных наук, а также масштабное празднование юбилеев ученых в нашей стране и новый этап реформ в этой области.

Ключевые слова: Ислам, суфизм, Бухара, Накибанди, орден, шейх, научная школа, научные исследования, реформы

Annotation: Approaches to the study of Sufism, in particular; the division of scientific research into groups, the study of the Nakshbandiyah tariqah in the years of independence, the activities of the Bukhara School of Sufism, the classification of dissertations in the field of social sciences and the humanities, as well as the large-scale celebration of anniversaries of scientists in our country and a new stage of reforms in this region is researched in this article.

Key words: Islam, Sufism, Bukhara, Nakshbandiyah, sheikh, scientific School, scientific research, reforms.

КИРИШ

Истиклолнинг дастлабки йилларидан юртимизда тасаввуф соҳасига доир бир қатор янгиликлар ва ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тасаввуф алломалари ва уларнинг меросига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди. 1993 йилда Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг 675 йиллик юбилеи нишонланган бўлса, Увайсийнинг¹ устози ҳисобланган Хожа Абдуҳолик Ғиждувонийнинг 910 йиллиги 2003 йилда, Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллик юбилейлари 2004 йилда кенг нишонланди [4:410].

2008 йилдан буён “Нақшбандия” илмий-ирфоний, адабий-маърифий журнали ҳар уч ойда нашр этиб келинмоқда [8:5]. Алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий-маърифий меросига оид асарлар таржима қилиниб нашр этилди. Жумладан, 1993 йилда Хожа Баҳоуддин Накшбанд ҳаёт йўли ва маърифий меросини ёритишга бағишланган Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг “Мақомати Хожа Баҳоуддин Накшбанд” асари, 2004 йилда Хожа Аҳрор Валийнинг тўрт асари жамланиб “Табаррук рисоалар” тўплами номида нашр этилди. 1991 йил Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар” тўплами, 2003 йилда Ҳаким Термизийнинг “Манозил ул-ибод мин ал-ибода” асарлари ҳам нашр этилиб, халқимизга тақдим этилди.

Шунингдек, тасаввуф тарихини ўрганишда кўплаб тарихчи, исломшунос, манбашунос, адабиётшунос, файласуф, шарқшунос, педагог, социолог, журналист каби соҳа вакиллари

¹ Увайсий – тасаввуфда мурид вафот этиб кетган шайхдан таълим-тарбия олишига айтилади.

томонидан бир қатор янги илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Аммо минг афсуски, тасаввуф шайхлари ва устозлари томонидан юксак ҳолатга олиб чиқилган асл тариқатлар собиқ шўролар тузуми даврида нотўғри талқин этилди ва халқимизга мистик ғояларни тарғиб этувчи, баъзи ҳолатларда эса дин воситасида бойлик ва ҳокимиятга интилувчи жамоа сифатида ҳам кўрсатилди [1:252].

Хўш аслида тасаввуф нима ёки қандай йўл эди?

Тасаввуф мусулмон халқлари томонидан ислом дини асосида кўп асрлар давомида шаклланган ва давр синовларидан ўтиб, миллатлар қалбидан жой эгаллаган, юксак инсоний фазилатларни тарғиб этувчи ирфоний йўл дея эътироф этилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юртимиздаги сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида тасаввуф таълимотига оид илмий меросга бўлган эътибор янги босқичга кўтарилди. Жумладан, 2017 йил 30 ноябрда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг буйруғига асосан Бухорада фаолият олиб бораётган Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида “Тасаввуф илмий мактаби” ташкил этилди ҳамда 2018 йил 24 январдаги буйруғи билан “Тасаввуф илмий мактаби” тўғрисидаги низом тасдиқланди, бугунги кунда илмий мактаб ушбу низом асосида ўз фаолиятини олиб бормокда [10:1].

Накшбандийлик вужудга келган Бухорои шарифда тасаввуф мактабининг очилиши ҳам рамзий аҳамиятга эга бўлиб, бу юртда етишиб чиққан авлиёларимиз тарихини, улар қолдирган илмий-маърифий меросни ўрганишнинг долзарблиги, ушбу илмий мактабнинг очилиши нақадар тўғри қарор бўлганлигини кўрсатади.



1-расм. Бухоро. Тасаввуф илмий мактаби.

Тасаввуф илмий мактабида асосан қуйидаги йўналишларда таълим берилмокда:

Биринчи, дарсларда тасаввуф шайхлари, хусусан, Накшбандия шайхларининг ҳаёт йўллари, турмуш тарзига бағишланган китоблардан таълим берилади.

Иккинчи, тариқат устозлари насихат сифатида айтган ҳикматли сўзлар шарҳланади ҳамда руҳий тарбияга оид китоблар ўқитилади.

Учинчи, тингловчиларга араб, форс тилларидан сабоқ берилади, тарихий манбаларни ўқиш жараёнида тил қоидалари тушунтирилиб, билим ва кўникмалари мунатазам равишда мустаҳкамлаб борилади. Бунда тарихий қўлёзмаларни ўқиш энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, замонавий тасаввуфшунослик фани бўйича ҳам сабоқ берилиб, бунда тасаввуф бўйича XX-XXI асрларда амалга оширилган янги илмий тадқиқотлар, нашрлар, замонавий тариқатчилик ҳақида маълумотлар берилади. Жумладан, Ўзбекистонда етишиб чиққан, тасаввуф меросини ўрганиш бўйича ўз ҳиссаларини қўшган олимлар А.Қаюмов, О.Усмон, Н.Комилов, Ҳ.Исломи, С.С.Бухорий, А.Р.Бухорий, Б.Бобожонов, Э.Каримов; россиялик олимлар О.Акимускин, Е.Бертельс, Н.Семёнов, А.Хисматуллин; туркиялик олимлар Н.Тусун, М.А.Жўшон, Ҳ.К.Йилмаз; Ғарб шарқшунослари Ю.Пауль, Х.Алгар, Ж.Гросс, Ж.Тримингем, А.Кюгелген кабиларнинг илмий изланишлари бўйича маълумотлар ҳам тингловчилар учун тақдим этилади [10:1].

Илмий мактаб тингловчиларига маълум бир асарни тамомлаганлиги (хатми кутуб

килганлиги) тўғрисида махсус сертификат (ижоза) берилади.

Илмий мактаб тингловчилари асосан Нақшбандия таълимотини ўрганиш билан биргаликда юртимиз тарихида ўзига хос ўринни эгаллаган Кубровия, Яссавия, Қодирия каби тариқатлар меросини ҳам алоҳида эътибор билан ўрганадилар. Ушбу тариқатлар турли қоидалар асосида ўз таълимотларини тарғиб қилган бўлса-да, баъзи бир жиҳатларда ўзаро уйғунлик, ҳамкорлик, ҳатто устоз-шогирдлик муносабатларини йўлга қўйишган. Жумладан, Яссавия тариқати асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий Бухорода шайх Юсуф Ҳамадонийдан таълим олади [6:317], айнан ушбу устоздан Хожаган (Нақшбандия) тариқати асосчиси Абдуҳолик Ғиждувоний ҳам таълим олади, яъни икки буюк тариқат асосчилари битта устоздан таълим-тарбия олишмоқда. Юқоридаги ҳолатни ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, Марказий Осиёда шаклланган тариқатларни бир-биридан кескин равишда фарқланади дея айтиб бўлмайди, чунки таъкидлаб ўтганимиздек, устоз – шогирд муносабатлари кейинги тариқат вакилларида ҳам давом этади, ҳатто бир вақтнинг ўзида бир неча тариқат шайхларидан ижозат олиб фаолият кўрсатган муршидлар ҳам бўлган [7:106-107].

Ўз даврида тасаввуф вакилларининг халқ ўртасидаги обрў-эътиборига эришиш мақсадида баъзи ғараз ниятли шахслар “сохта даъволар” билан халқни асл тасаввуфдан чалғитишга уриниш ҳолатлари юз берди. Шунингдек, турли минтақа ва диёрлардаги халқларнинг урф-одат ва турмуш тарзи, илм-фан ва маданиятидаги турфа хиллиги натижасида, тасаввуф таълимотига баъзи зиддиятли ёндашувлар ҳам кузатилди. Шунингдек, баъзи муридларнинг ўз пирлари, шайхлари ҳақида муболағага кетишлари, ўз йўллари энг тўғри деб билиб, бошқа устозларнинг йўллари инкор этиши, маломат қилиши, таъна ва дашномлар бериши тарих саҳифаларида афсуски учраб туради [5:87].

Аммо, баъзи муаммолар ва зиддиятларга қарамадан ислом дини арконлари асосида ўз тариқатини йўлга қўйган тасаввуф мактабларига ислом уламолари, зиёлилар ва толиби илмлар

юксак одоб ва эҳтиром билан муносабат билдиришди.

Шу ўринда ислом оламида кўплаб эргашувчилари билан машҳур бўлган тариқатлардан бири Нақшбандийликни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Баъзи статистик маълумотларга кўра, дунё миқёсида Нақшбандийлик тариқатига амал қилувчи мусулмонлар сони бир неча миллион инсон эканлиги айтиб ўтилади. Аммо, бу маълумотларнинг аниқ рақамини айтиш бироз мушкул. Чунки тариқат йўлига кирган инсон ўз ҳолатини одамларга кўз-кўз қилишни, риёкорлик ва шухратпарастлик каби сифатлардан жуда эҳтиёт бўлади. Бу борада Нақшбандийлик тариқатида бир қанча машҳур тавсиялар берилган бўлиб, жумладан “Хилват дар анжуман” қоидаси ёки “Дил ба ёру – даст ба қор” шиорини [3:20-21] олиш мумкин, ҳар икки тавсия ҳам муридни инсонлар ўртасида ўзини ошқор этмаслик ҳамда ҳалол меҳнат билан шуғулланиш асносида Ҳақ ёди билан ҳам машғул бўлишни тарғиб этади. Шу сабабдан баъзи ҳолатларда уларни оддий инсонлардан фарқлаш бирмунча мураккаб бўлиб, бунинг учун инсонга кучли илм ва тажриба зарур бўлади.

Кўп асрлик тарихимизда Нақшбандийлик таълимоти ислом олимлари томонидан эътироф этиб келинди, бу эҳтиромнинг асосий сабабларидан бири машҳур олим, тасаввуф шайхи Имом Раббоний Нақшбандия йўлининг қуйидаги тўртта шартини санаб ўтади.

“Аҳли сунна вал жамоа” эътиқодини ўзлаштириш.

Ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.) суннатларига эргашиш.

Ёмон бидъатлар ва нафсоний орзулардан узоқ туриш.

Иложи борича азимат (бор қуч) билан амал қилиш.

Нақшбандий устозлар томонидан айнан ушбу шартларнинг толиблардан қатъий талаб қилиниши тариқатнинг шариат уламолари ва “аҳли сунна вал жамоа” олдидан катта нуфуз қозонишига сабаблардан бири бўлди.

Ўрта асрларда бўлгани каби бугунги кунда ҳам тасаввуф таълимоти олимлар, зиёлилар,

тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда ва янги маълумотлар халқимизга тақдим этилмоқда [2:400]. Шу ўринда мустақиллик йилларида тасаввуф тарихи ва ижтимоий-диний мазмун-моҳиятини ўрганишга оид ишларни таснифлашда гуруҳларга ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

Биринчи гуруҳда олимлар ва зиёлилар томонидан олиб борилган ишлар бўлиб, бунда турли илмий лойиҳалар ва давлат дастурлари ижроси нуктаи назаридан бажарилган тадқиқот ишларини киритиш мумкин;

Иккинчи гуруҳда ихтисослашган кенгашларда ҳимоя қилинган илмий-тадқиқот ишлари бўлиб, бунда тадқиқотчилар аниқ мавзу ва объект доирасида илмий ишларини ҳимоя қилганлар;

Учинчи гуруҳ тадқиқот ишларига диний соҳа вакилларининг олиб борган амалий ишларини кўрсатиш мумкин. Бунда асосан диний-маърифий ва оммабоп жихатдан ёндашув устуворлик касб этган;

Тўртинчи гуруҳга тасаввуф таълимотига қизиқувчи инсонлар томонидан мустақил равишда олиб борилган ишларни киритиш мумкин;

Бешинчи гуруҳга таълим-тарбия муассасалари учун педагогик-дидактик нуктаи-назаридан ёзилган ишларни таъкидлаб ўтиш зарур;

Олтинчи гуруҳга журналистик талқинда ўрганилган ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган илмий-маърифий, ижтимоий-ахлоқий йўналишдаги материалларни кўрсатиш мумкин.

Ушбу санаб ўтилган гуруҳларга доир ишлар таҳлили кенг қамровли тадқиқот бўлишини эътиборга олиб, барча гуруҳлардаги илмий тадқиқот ишларни алоҳида илмий мақола сифатида беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур мақолада ҳимоя қилинган илмий тадқиқот ишлари бўйича мухтасар ҳолатда дастлабки таҳлилни тақдим этишни лозим топдик. Жумладан, мамлакатимизда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасалари ҳузурида фаолият юритаётган ихтисослашган кенгашларда ҳимоя қилинган бўлиб, мазкур

тадқиқот ишларига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси экспертлари томонидан ижобий хулосалар берилган. Ушбу диссертациялар турли фан соҳаларига тааллуқлидир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, тасаввуф таълимоти бўйича илмий изланишлар асосан ижтимоий-гуманитар фанлар кесимида ҳимоя қилинган тадқиқотларда акс этади.

Тасаввуф соҳаси бўйича ижтимоий-гуманитар фанлар ихтисослиги кесими бўйича ҳимоя қилинган диссертациялар таснифи куйидаги йўналишларда:

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

09.00.03 – Фалсафа тарихи

10.01.03 – Миллий адабиёт тарихи (ўзбек адабиёти)

10.01.10 – Журналистика

13.00.01 – Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи

19.00.05 – Ижтимоий психология ва этнопсихология

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги (тарих фанлари бўйича)

Ушбу ихтисосликларда ҳимоя қилинган ишларда куйидаги хусусиятлар устуворлиги аниқланди. Жумладан, 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослигида Н.Хидированинг (2006 й.) “Хожа Муҳаммад Порсонинг хожагон-нақшбандия тариқатининг ривожланишида тутган ўрни ва роли (XIV аср охири - XV аср бошлари)” номзодлик диссертацияси. 07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари ихтисослигида М.Исмоиловнинг (2006 й.) “Шайх Худойдоднинг “Бахр ал-улум” асари Марказий Осиёда тасаввуф тарихига оид муҳим манба (XVIII асрнинг иккинчи ярми)”, К.Раҳимовнинг (2018 й.) “Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-Таъарруф” асари ҳамда унинг XI-XV асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросан тасаввуф манбаларига таъсири” мавзусидаги номзодлик диссертациялари Ваганимиз тарихи, тарихшунослик, манбашунослик нуктаи-назаридан ўрганилган бўлиб, бу тадқиқотларда кўплаб янги маълумотлар илмий жамоатчиликка тақдим этилган.

09.00.03 – Фалсафа тарихи ихтисослигида М.Жакбаровнинг (2000) “IX-XII аср Мовароуннахр фалсафий фикрида ижтимоий идеал ва комил инсон муаммоси”, Г.Наврузованинг (2002) “Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси”, М.Маматовнинг (2018) “Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти” мавзуларида фалсафа фанлари докторлиги бўйича ҳимоя қилинган диссертациялар бўлиб, ушбу тадқиқот ишларида мавзуни концептуал жиҳатдан очиб беришга эътибор қаратилган.

Шунингдек, О.Турсунованинг (2002) “Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувоний тасаввуф таълимотида ахлокий қадриятлар”, Н.Сафарованинг (2002) “Ҳожагон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлокий қадриятлар масаласи”, Ж.Холмўминовнинг (2003) “Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари (“Шарҳи рубоӣёт” асари асосида), З.Исақованинг (2007) “Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг “Насоӣим ул-муҳаббат” асари асосида), С.Исмоиловнинг (2008) “Нақшбандия тариқатининг тасаввуф тараққиётдаги ўрни”, Б.Намозовнинг (2011) “Абу Бакр Калободий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари”, Н.Зайнобидинованинг (2011) “Жалолиддин Румий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти масаласи”, О.Сафарбоевнинг (2011) “Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий таълимотида инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари” фалсафа фанлари бўйича номзодлик диссертацияларида тасаввуф таълимоти фалсафий таҳлил этиш орқали очиб берилган.

10.01.03 – Миллий адабиёт тарихи (ўзбек адабиёти) ихтисослигида И.Ҳаққуловнинг (1995) “Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти (ғоявийлик, издошлик, образлар олами)”, А.Абдуқодировнинг (1998) “Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича)”, К.Муллахўжаеванинг (2005) “Алишер Навоий ғазалиётда тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” асосида)” докторлик ва номзодлик диссертацияларида тасаввуф таълимотидаги бадий нафосат, шеърӣй санъат,

рамз ва ишоралар халқимиз учун илмӣй асосда шарҳланиб, соддалаштирилган тарзда тақдим этилган.

10.01.10 – Журналистика ихтисослигида Г.Тоғаеванинг (2007) “Ўзбек матбуотида тасаввуф таълимотининг ёритилиши: муаммолари, тамойиллари ва шакллари” номзодлик диссертациясида юртимиз оммавий ахборот воситаларида тасаввуф таълимотига доир мақолалар ва уларнинг мазмун моҳиятини ёритишга қаратилган кўплаб масалалар илмӣй жиҳатдан таҳлил этилган.

13.00.01 – Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи ихтисослигида К.Қиличеванинг (2009) “Олий таълим тизимида тасаввуф таълимоти воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича докторлик ишида ёшлар тарбиясида комил инсонни тарбиялашдаги янги услублар тасаввуф ғоялари асосида тадқиқ этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар тақдим этилган.

19.00.05 – Ижтимоий психология ва этнопсихология ихтисослигида У.Қосимовнинг (2004) “Комил инсон ижтимоий-психологик хусусиятлари (А.Ғиждувоний таълимоти асосида)” мавзусида ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясида баркамол инсонни тарбиялашдаги психологик хусусиятларга асосий эътибор қаратилган.

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги (тарих фанлари бўйича) И.Усмоновнинг “Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ал-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба” (2005) тарих фанлари бўйича номзодлик диссертацияси ушбу ихтисосликдаги тасаввуф таълимоти ва манбашунослиги бўйича бажарилган дастлабки тадқиқотлардан бири ҳисобланади [11:1].

Юқорида таъкидлаб ўтилган ихтисослик йўналишларида ҳимоя қилинган ишларни мухтасар таҳлил қилинса, тасаввуф таълимотига турли ёндашувлар кўринади, бу ёндашувлар ўз навбатида тасаввуф таълимотининг нақадар кенг қамровли мавзу эканлигини кўрсатади. Ушбу тадқиқот ишларини таҳлил этиш, жуда катта масъулият ва меҳнатни талаб қилганлиги сабабли, ҳар бир ихтисослик йўналиши бўйича

тадқиқотларни алоҳида ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки, юртимизда тасаввуф тарихи ва илмий-маърифий меросига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бугунги кунга келиб бу тадқиқотлар ўзининг янги босқичига кўтарилди. Хусусан, якин тарихимизда амалга оширилган тадқиқот ишлар таҳлилида ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин. Жумладан,

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги тадқиқот ишлари билан бугунги кундаги илмий тадқиқот ишлари қиёсий таҳлиliga эътибор қаратилса, ижобий маънода такомиллашув кузатилади;

илмий истеъмолга янги тарихий маълумотлар ва илмий ғояларнинг кириб келганини ҳам кўриш мумкин;

илмий йўналишда олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, тадқиқот ишларида асосан Нақшбандийлик тариқатини ўрганиш устуворлик қилмоқда.

Ватанимиз тарихида кўплаб буюк алломаларимиз ва улкан илмий меросимиз борлиги бизга фахр туйғусини беради, аммо шу билан биргаликда бу фахр туйғуси бизга катта масъулиятни ҳам юклайди, ушбу масъулият юки ўз навбатида бизга аجدодларимизга муносиб равишда яшаш, ривожланиш, бир неча минг йиллик тарихий меросни ўрганиш ва келажак авлодга етказиш орқали “Учинчи ренассанс” пойдеворига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни ҳам қўшишни тақозо этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ислон: справочник / М.А.Усмонов таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1989. – 252 б.
2. Раҳимов К. Мовароунахр тасаввуфи тарихи: Таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VII-XI асрлар). – Тошкент: Akademnashr, 2020. – 400 б.
3. Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 15-16, 20-21 б.
4. Жўраев Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарк, 2000. – 410 б.

5. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr, 2009. – 87 б.
6. Тасаввуф атамалари: изоҳли луғат. А-Х. – Тошкент: Movarounnahr, – 317 б.
7. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 106-107.
8. Раззоқов Ғ., Раҳимов К. Хожагон – Нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 168 б.
9. Сирожиiddинов Ш. Илм ва тахайюл сарҳадлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 114-115.
10. www.muslim.uz – Ўзбекистон мусулмонлари идораси расмий сайти.
11. www.diss.natlib.uz – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг “Диссертация ва авторефератларнинг илмий электрон кутубхонаси” бўйича расмий сайти.